



100011, Toshkent sh., Navoiy ko'chasi, 12

12, Navoi str., Tashkent, 100011

Tel.: (+998-71) 241-16-91, 239-46-43 Fax: (+998-71) 241-16-34

E-mail: info@minzdrav.uz, web: www.minzdrav.uz

16.03.2019 й № 01-4-4/1486

O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlis Qor ma'jilisi palatasi Davlat XATLARI VA DOQAROLARINI QABUL QILISH BO'LIMI Kanservatsiya xizmati		
Tilab oqami №	13/03-18-71	
Hujjat	№	03
Sana	29	03/19 yil

Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси қонунчилик  
палатасининг депутати  
Т.Ю.Норбоевга

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик палатасининг 2019 йил 11 мартдаги 13/03-18-71-сонли депутатлик сўровига, Соғлиқни сақлаш вазирлиги қуйидагиларни маълум қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурларини шакллантириш ва молиялаштиришнинг янги тартибини жорий этиш тўғрисида”ги ПҚ-3437-сонли қарорига мувофиқ истиқболли инвестиция лойиҳалари асосида ишлаб чиқилган паспорт, устав ва асослангирилган ҳисоб-китоблар бўйича объектлар давлат дастурларига киритилиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилга мўлжалланган Инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4067-сонли қарорига тиббиёт объектларига ажратилган маблағлар чегараланганлиги ва маблағ етишмаётганлиги сабабли 2019 йил Давлат ривожлантириш дастури лойиҳаси йилдан-йилга ўтувчи объектлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳудудларга ташрифлари давомида қабул қилинган баённомалари ҳамда “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастуридаги объектлар киритилган.

Юқорида қайд этилганлардан келиб чиқиб, Сурхондарё вилояти Жарқўрғон туман тиббиёт бирлашмасининг Сурхон бўлими шифохонасини таъмирлаш масаласи, Сурхондарё вилояти ҳокимлигининг таклифлари асосида Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги ва бошқа мутасадди вазирликлар билан келишган ҳолда кейинги йиллар давлат ривожлантириш дастури лойиҳасига таклиф киритилиши режалаштирилган.

Вазир ўринбосари

Э.Баситханова